

# Росуллоҳнинг муҳр белгилари ва соч тарашлари ҳақидаги боб.

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[ Ўзбекча ]

باب ما جاء في خاتم النبوة وشعره صلى الله عليه وسلم  
ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الشمانل المحمدية للترمذي  
[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

**Таржимон:** Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

**Нашрга тайёрловчи:** Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله الذي بعث النبي صلى الله عليه وسلم بأوضح المسالك ونور به أرجاء كل حالك، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، الملك المالك، وأشهد أن سيدنا محمدا عبده ورسوله صاحب الطريقة الغراء التي من رغب عنها فهو الهالك صلى الله عليه وعلى آله وصحبه المخصوصين بالشرف الأعلى وهم أهل ذلك. أما بعد:

"Шамоиلى муаҳаммадия" китобидан учунчи дарсимизни бошлар эканмиз, бунда пайғамбарлик муҳри бобини тугатиб, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам нинг сочлари ҳақидаги бобни ўқиймиз.

21 – حدثنا أبو عمار الحسين بن حريث الخزاعي أنا علي بن حسين بن واقد ثني ابي ثني عبد الله بن بريدة قال سمعت ابي بريدة يقول جاء سلمان الفارسي الى رسول الله حين قدم المدينة بمائدة عليها رطب فوضعها بين يدي رسول الله فقال يا سلمان ما هذا فقال صدقة عليك وعلى أصحابك فقال ارفعها فإننا لا نأكل الصدقة قال فرفعها فجاء الغد بمثله فوضعه بين يدي رسول الله فقال ما هذا يا سلمان فقال هدية لك فقال رسول الله لأصحابه ابسطوا ثم نظر الى الخاتم على ظهر رسول الله فآمن به وكان لليهود فاشتراه رسول الله بكذا وكذا درهما على أن يغرس لهم نخلا فيعمل سلمان فيه حتى تطعم فغرس رسول الله النخيل إلا نخلة واحدة غرسها عمر رضي الله عنه فحملت النخل من عامها ولم تحمل نخلة فقال رسول الله ما شأن هذه النخلة فقال عمر يا رسول الله أنا غرستها فترعها رسول الله فغرسها فحملت من عامها

Абу Бурайдадан ривоят қилинади, у киши айтадиларки: Салмон Форисий мадинага келганда, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бир дастурхонда хурмо олиб келиб қўйди, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам бу нима, эй Салмон? - дедилар.

Салмон розиёллоҳу анҳу бу сизга ва Асҳобларингизга садақа -деди. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам буни олгин, чунки биз садақа емаймиз - дедилар.

Ровий айтадиларки: Салмон розиёллоҳу анҳу уни олиб кетиб эртасига ҳам худди шундай дастурхон кўтариб келдида, яна Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига қўйди. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу нима эй Салмон? - дедилар. Салмон розиёллоҳу анҳу бу сизга ҳадя" - деди. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларга олинглар дедилар. Сўнг Салмон розиёллоҳу анҳу

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларидаги муҳрга қарадида, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтирди.

Салмон розиёллоҳу анҳу яҳудлар қўлида қул эди, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни яҳудлардан хурмо экиб, хурмо мевага киргунча, Салмон розиёллоҳу анҳу уларни парвариш қилиши ва яъна бир қанча дирҳамга сотиб олдилар. Сўнг Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам келишилган хурмо кўчатларини ҳаммасини эқдилар, фақат биттасини Умар розиаллоҳу анҳу эқдилар.

Хурмолар шу йилнинг ўзидаёқ мевага кирдида, ҳалиги Умар розиёллоҳу анҳу эккан хурмо эса мева бермади. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бу хурмога нима бўлди?- дедилар. Шунда Умар розиаллоҳу анҳу ё Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам уни мен эккан эдим, - дедилар. Кейин Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам у кўчатни суғириб қайта эккан эдилар, шу йилдаёқ у ҳам мевага кирди.

**Изоҳ:** Уламолар айтадиларки: Салмон Форисий бу синовни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни чинакам пайғамбар эканликларини билиши мақсадида қилганлар, чунки у зотнинг пайғамбарлик аломатларидан бири садақа яъни закот емаслик эди. Буни Салмон форисий насрония динидан билиб олган эдилар. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган асҳоблар ҳадисни шарҳловчи уламоларнинг айтишларича хошимийларга мансуб эканлар, шунинг учун садақани уларга ҳам едирмадилар, аммо ҳадия у зотга ҳам, барча хошимийларга ҳам поку ҳалолдир.

22 – حدثنا محمد بن بشار أنا بشر بن الوضاح أنا أبو عقيل الدورقي عن أبي نضرة قال سألت أبا سعيد الخدري عن خاتم رسول الله يعني خاتم النبوة فقال كان في ظهره بضعة ناشرة

Абу назра ал-Авфийдан ривоят қилинади: Абу Назра ал-Авфий або Саид Худрийдан хотам яъни муҳр ҳақида сўраганларида, Абу Саид орқаларида бўртиб турган бир бўлак гўшт эди - дедилар.

23 – حدثنا أبو الأشعث أحمد بن المقدم العجلي البصري اخبرنا حماد بن زيد عن عاصم الأحول عن عبد الله بن سرجس قال أتيت رسول الله وهو في ناس من أصحابه فدرت هكذا من خلفه فعرف الذي أريد فألقى الرداء عن ظهره فرأيت موضع الخاتم على كتفيه مثل الجمع حولها خيلان كأنها ثآليل فرجعت حتى استقبلته فقلت غفر الله لك يا رسول الله فقال ولك فقال القوم استغفر لك رسول الله فقال نعم ولكم ثم تلا هذه الآية وَأَسْتَغْفِرُ لَذُنُوبِكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ ﴿١٩﴾

[ سورة محمد الآية- 19 ]

Абдуллоҳ ибн Саржисдан ривоят қилинади, у киши айтадилар: Мен росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келдим, у зот баъзи асҳоблар билан эканлар, секин орқаларига айланиб ўтдим, мен хоҳлаган нарсани пайқаб қолиб елкаларидан ридони тушириб юбордилар, икки кураклари ўртасида мушт каби муҳрни кўрдим, атрофида холлар бор эди, у холлар худди саъалил (яъни нўхотдек ёки ундан кичикроқ кўпинча баданнинг бўйин, елка ва қўлтиқ қисмларида чиқадиган сўгаллар)га ўхшар экан, кейин қайтиб рўпараларига ўтирдимда, Оллоҳ сизни мағфират қилсин ё Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дедим. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сени ҳам -дедилар.

Қавм Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сенга Оллоҳдан истиғфор сўрадиларми?- дейишди. Мен ҳа сизларга ҳам дедим, сўнг уларга ушбу оятни ўқиб берган эканлар.

وَأَسْتَغْفِرُ لِدُنْيَاكَ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ۗ وَاللَّهُ يَعْلَمُ مُتَقَلَّبَكُمْ وَمَثْوَاكُمْ ﴿١٥٠﴾

**Изоҳ:** "Субулулҳуда вар-Рошад" китобининг муаллифи Солиҳий айтадиларки:

Уламолар; бу ривоятларни ҳаммаси маънода бир бирига яқин ва ўртада ҳеч қандай зиддиятлик йўқ, - дейдилар ҳар бир ровий ўзининг миқёси билан таърифлаган бирови каклик ёки кабутар тухумига ўхшатса, бирови бўртиб чиққан бир бўлак гўштга ва яъна бошқаси муштга, ёки туклар тўпламига ўхшатган, туклар деган сўз ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас, чунки бошқа ривоятларга қараганда, чиндан ҳам муҳр атрофида туклар бор эди, аммо муштдек деган сўзнинг маъноси ҳажмда тенглиги бўлмай, балки кўринишда ўхшашлигидир- деб таъвил қиладилар.

باب ما جاء في شعر رسول الله

**Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларининг сифати ҳақида келган ҳадислар боби.**

24 – حدثنا علي بن حجر أنا اسماعيل بن إبراهيم عن حميد عن انس بن مالك قال ل

كان شعر رسول الله الى نصف اذنيه

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинади: Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки қулоқларининг ярмигача тушар эди. - дейдилар.

**Изоҳ:** Баъзи шарҳловчилар гоҳида шундай қулоқнинг ярмига етиб, гоҳида ярмидан ўтарди дейдилар, шунинг учун ривоятларда ихтилофлар бор. Сабаби ҳар бир ровий Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини қайси ҳолатда кўрган бўлса, ўша ҳолатни тасвирлаган.

25 – حدثنا هناد بن السري أنا عبد الرحمن بن ابي الزناد عن هشام بن عروة عن ابيه عن عائشة رضي الله عنها قالت كنت اغتسل أنا ورسول الله من إناء واحد وكان له شعر فوق الجمة ودون الوفرة

Оиша розияллоху анхудан ривоят қилинишича айтадиларки: Мен ва Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам, бир идишдан сув олиб ғусл қилар эдик, у кишининг сочлари қулоқ юмшоғидан ўтиб елкага етмаган эди.

26 – حدثنا احمد بن منيع أنا ابو قطن نا شعبة عن ابي اسحاق عن البراء بن عازب

قال كان رسول الله مربوعا بعيد ما بين المنكبين وكانت جتهم تضرب شحمة أذنيه

Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилиниб айтадилар: Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам ўрта қомат бўлиб, икки елкалари ораси кенг, сочлари қулоқ юмшоғига тегар эди.

27 – حدثنا محمد بن بشار انا وهب بن جرير بن حازم قال ثني ابي عن قتادة قال

قلت لأنس كيف كان شعر رسول الله قال لم يكن بالجعد ولا بالسبط كان يبلغ شعره شحمة أذنيه

Қатода розиёллоху анхудан ривоят қилинади. Айтадиларки; Анас розияллоху анхудан Росулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг сочлари қандай эди, - десам, у киши Росулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг сочлари қаттиқ қўнғироқ ҳам эмас, ўта силлиқ ҳам бўлмай, қулоқ юмшоғига етар эди,- дедилар.

28 – حدثنا محمد بن يحيى بن ابي عمر انا سفيان بن عيينة عن ابن ابي نجيح عن مجاهد

عن ام هانئ بن ابي طالب قالت قدم رسول الله مكة قدمه وله أربع غدائر

Умму Ҳаний бинту аби Толибдан ривоят қилинади, бу аёл Росулulloх саллаллоху алайҳи васалламнинг амакилари Або Толибнинг қизи бўлиб, Макка фатҳида исломга кирган эканлар. Айтадиларки: Росулulloх саллаллоху алайҳи васаллам Маккага келганларида, сочларининг тўртта кокили бор эди.

**Изоҳ:** Бу воқеа, Макка фатҳида бўлган дейишади, шарҳловчи уламолар. Ҳадиснинг саҳиҳлигида ихтилоф бўлганлиги учун, соч кокили эркалар учун жоиз ва жоиз эмаслигида уламолар ихтилоф қилишади. Улардан баъзилари ҳадис саҳиҳ деб, соч кокили аёллар учун хос эмас, балки эркалар учун ҳам жоиз, гарчи бу ҳол замонамиздаги одатда йўқ бўлса ҳам -дейди, баъзилари эса ҳадис

саҳиҳ эмас ва бу аёллар одатидир, шунинг учун соч кокили эркаклар учун жоиз эмас - дейдилар.

Ҳадисни саҳиҳ деб эътиборга олинган тақдирда ҳам ўша замоннинг урфу одати узун соч қўйиш эканлигини ва киши сочни бойлам қилиб олмаса, кўп машаққат чекишини унутмаслигимиз лозим, чунки урфу одат агар қуръон ва ҳадисга хилоф бўлмаса шариятда эътиборликдир, аммо муслимонларнинг урфу одатида бўлмай, бу ҳам етмагандай гайридинларнинг тутган йўлларини ҳавас қилиб, машҳур кино артисти ёки қўшиқчи ёки спортчига ўзини ўхшатишлар бўлса, булар шарият қайтарган номаъқул ишлардир, амаллар ниятга яраша бўлади.

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам кимики ўзини бир қавмга ўхшатса, у ўшалардандир деб марҳамат қилганлар.

29 – حدثنا سويد بن نصر ثنا عبد الله بن المبارك عن معمر عن ثابت عن انس أن  
شعر رسول الله كان إلى أنصاف أذنيه

Анас розияллоҳу анҳодан айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки қулоқларининг ярмигача эди.

30 – حدثنا سويد بن نصر حدثنا عبد الله بن المبارك عن يونس بن يزيد عن الزهري  
أنا عبيد الله بن عتبة عن ابن عباس رضي الله عنهما أن رسول الله كان يسدل شعره  
وكان المشركون يفرقون رؤسهم وكان أهل الكتاب يسدلون رؤوسهم وكان يجب  
موافقة أهل الكتاب فيما لم يؤمر فيه بشئ ثم فرق رسول الله رأسه

Ибн Аббос розияллоҳу анҳодан айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам дастлаб сочларини орқага тараб олиб, иккига фарқламас эдилар, мушриклар эса сочларини иккига фарқлар эдилар, аҳли китоблар эса сочларини фарқламай, орқага тараб олардилар. Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрилмаган ўринларда аҳли китобларга мувофиқ келишни хоҳлардилар, чунки уларни мушриклардан кўра ҳақиқатга яқинроқ, ҳар ҳолда китоб берилган уммат деб ўйлардилар, кейинчалик эса сочларини ўртасидан фарқлайдиган бўлдилар.

31 – حدثنا محمد بن بشار أنا عبد الرحمن بن مهدي عن ابراهيم بن نافع المكي عن  
ابن ابي نجيح عن مجاهد عن أم هانئ قال رأيت رسول الله ذا ضفائر أربع

Умму Ҳонийдан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни сочлари тўрт кокил ҳолатида кўрдим.

**Изоҳ:** Бу кокил ҳақида аввалги ҳадисда қисқача баҳс ўтди.

## باب ما جاء في ترجل رسول الله

[ وفيه 5 أحاديث ]

**Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг соч тарашлари ҳақидаги боб**

Тўртинчи боб, соч тарашлари ҳақида бўлиб, имоми Термизий бу бобда бешта ҳадис келтирганлар.

32 – حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري حدثنا معن بن عيسى حدثنا مالك بن أنس عن هشام بن عروة عن ابيه عن عائشة رضي الله عنها قالت كنت أرجل رأس رسول الله وأنا حائض

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилиниб айтадиларки: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сочларини ҳайз ҳолатимда ҳам тараб қўяр эдим.

**Изоҳ:** Яҳудийларда агар аёл киши ҳайз кўрадиган бўлса у аёл билан ҳатто бирга овқатланишмас ҳам экан, аммо ислом аёлларга жуда кенгчиликларни берди.

33 – حدثنا يوسف بن عيسى اخبرنا وكيع اخبرنا الربيع بن صبيح عن يزيد بن أبان هو الرقاشي عن انس بن مالك قال كان رسول الله يكثر دهن رأسه وتسريح لحيته ويكثر القناع حتى كأن ثوبه ثوب زيات

Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича айтадиларки:

Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сочларини кўп ёғлар ва соқолларини кўп тарар эдилар ва соч ёғлаганда бошга кийиладиган бош кийимини кўп истеъмол қилар эдилар, ҳатто у кийимлари ёғчининг кийимига ўхшаб кетган эди.

**Изоҳ:** Албатта соч ёғлаш сочни қувватлаб, тўзиб кетишидан сақлайди.

34 – حدثنا هناد بن السري اخبرنا ابو الأحوص عن الأشعث بن ابي الشعثاء عن ابيه عن مسروق عن عائشة رضي الله عنها قالت إن كان رسول الله ليحب التيمن في طهوره إذا تطهر وفي يتجله إذا ترجل وفي انتعاله إذا انتعل

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам агар таҳорат қилсалар,

тахоратларида , соч тарасалар соч тарашларида ва оёқ кийим кийсалар ҳам оёқ кийим кийишларида, ўнг тарафдан бошлашни ёқтирар эдилар.

35 – حدثنا محمد بن بشار أنا يحيى بن سعيد عن هشام بن حسان عن الحسن

البصري عن عبد الله مغفل قال نهي رسول الله عن الترجل إلا غباء

Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам сочни кўп тарашдан қайтариб, канда қилиб тарашга рухсат берганлар.

36 – حدثنا الحسن بن عرفة قال ثنا عبد السلام بن حرب عن يزيد بن ابي خالد عن

ابي العلاء الأودي عن حميد بن عبد الرحمن عن رجل من أصحاب النبي أن النبي كان

يترجل غبا

Ҳумайд ибн Абдуллаҳмон айтадиларки: Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларидан бир киши ривоят қилишича Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам гоҳ-гоҳида соч тарар эдилар. - дейди.

**Изоҳ:** Бу бобдаги охириги ҳадис заиф бўлсада бундан аввалгиси шу мазмунда бўлиб саҳиҳдир. Уламолар айтадиларки: Эркак киши ҳаддан ортиқ кўп соч тарашни эркаклик сифатларига тўғри келмай бу аёлларнинг табиатига мутаносибдир, чунки эркакларга дағаллик аёлларга эса нозиклик ярашгай, бироқ бу гапдан эркак киши сочини паҳмайтириб, сув теккизмай, тароқ ўтмайдиган бўлиб юриши келиб чиқмайди, балки сочни ўз вақтида ювиб ва тараб туришига уни шариат чорлайди.

Ислоом эркак ва аёлга ҳамма ўринда ўзининг табиатига муносиб вазифасини белгилаб берган.

وصلى الله وسلم على نبينا محمد وعلى آله وصحبه أجمعين